# Davlat tilida to'g'ri ish yuritish tilimiz nufuzini oshirishga xizmat qiladi



Тақдимот

# ДАВЛАТ ТИЛИДА ТЎҒРИ ИШ ЮРИТИШ

## тилимиз нуфузини оширишга хизмат қилади

**Муножат МЎМИНОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти билан ҳамкорликда байрамга муносиб совға тариқасида "Давлат тилида иш юритиш" қўлланмасининг қайта ишланган ва тўлдирилган нашрини чоп этди. Мазкур китобнинг тақдимоти Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бўлиб ўтди.**

"Давлат тилида иш юритиш" қўлланмаси "O'zbekiston nashriyoti" давлат унитар корхонасида 3 минг нусхада нашр қилинган. Китоб 4 боб, 528 саҳифадан иборат бўлиб, у, биринчи навбатда, ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари, бошқарув фаолиятида бевосита ҳужжат устида ишловчилар, котиб-референтлар, кадрлар бўлими ходимларига мўлжалланган. Ундан ҳисобчилар, адлия маслаҳатчилари, аудитор, менежерлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Мурожон Аминов (марҳум), Абдуваҳоб Мадвалиев, Неъмат Маҳкамов, Низомиддин Маҳмудов, Ёрқинжон Одилов муаллифлигида нашрга тайёрланган мазкур қўлланмада ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланадиган ҳужжатлар ва уларни тузиш тартиб-қоидалари масалаларига урғу берилган. Мазкур ҳужжатлар тегишли намуналар билан кўрсатилиб, иш юритишга оид луғатлар юритилган. Шунингдек, қўлланма Адлия, Ички ишлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Ўзархив агентлиги хулосалари асосида бугунги кун талабларига мувофиқ такомиллаштирилди.

Тақдимотда сўзга чиққан адабиётшунос Шуҳрат Ризаев ушбу китобнинг нашр этилишини тилимизнинг тикланиши, тараққиёти йўлидаги дадил қадам, деб таъкидлади.

Тилимизнинг нуфузини ошириш учун, аввало, давлат тилида тўғри иш юритишни йўлга қўйиш, бу борадаги фаолиятни бир қолипга солишга эришиш лозим. Шу маънода ҳам мазкур қўлланма барча ташкилот, корхона ва идоралар учун зарурлиги билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари, китобдан умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларга расмий-идоравий услубни ўргатишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун китобни лотин ёзувида ҳам чоп этиш режалаштирилган.

Қўлланма республикадаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларига бепул тарқатилади.